



**БАЧАДОН ТАНАСИ САРАТОННИ
ТАШХИСЛАШДА МОРФОЛОГИК ТЕКШИРУВНИНГ
НАТИЖАЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ**

Абдиназарова Илтифот Содикжон кизи

ТТА Онкология кафедраси PhD ассистенти

Атаханова Нигора Эргашовна

*профессор, т.ф.д. Тошкент тиббиёт академияси
онкология кафедраси мудири.*

Турсунова Нодири Исраиловна

ТТА Онкология кафедраси PhD ассистенти

abdinazarova92@mail.ru, dr.nik8888@mail.ru

Аннотация: Республикаимиз тиббиёт муассасаларида бачадон эндометрийсини кюретлаш кенг қўлланилаётган ва оммалашган асосий усул ҳисобланади(1) Дунё миқёсида эндометриал кюретлаш усулидан ҳозирда деярли жуда кам ҳолатларда фойдаланилади. Чунки бу усул кўплаб ноқулайликларни келтириб чиқариши, профуз қон кетиши каби асоратлар бериши мумкинлиги сабабли янги самарали усулларга мурожаат қилишга эҳтиёж тугдиради. Морфологик текширув натижалари қўшимча равишда, ҳозирги вақтда дунёда олтин стандарт сифатида тан олинган(2,3).

Калит сўзлар: морфология, мембрана оксили, Pipelle, кюретаж, эндометрий, саратон, пременопауза.

Тадқиқотнинг мақсади. Pipelle-урогенитал зондининг катта хажимли бачадондан биопсия олишда авзалликлари ва морфологик текшириш усулларини такомиллаштириш ва уларни самарадорлигини ошириш.

Материал ва тадқиқот усуллари Тадқиқотимиз давомида олинган гистологик намуналар иммуногистокимёвий таҳлилини 2021-2024 йиллар Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Патоморфология бўлимида ўтказилди. 30 нафар бемор бачадонидан олинган биоматериаллар CD34 мембрана оксили орқали таҳлил қилинди.

Тадқиқотнинг натижалари. Бачадон танаси саратон олди ва саратон касаллигига шубҳа билан келган беморлардан олинган гистологик намуналар иммунгистокимёвий CD34 мембрана оксили билан микроскоп остида кўрилганда асосий ва назорат гуруҳларида сезиларли фарқ кўрилди. Қон томир микдорида кўра гистологик ташхис натижалари Кўрув майдонида аниқланган қон томирлар сони 1 назорат гуруҳида (кюретка) $35,4 \pm 2,34$, 2 назорат гуруҳ (УТТ+кюретка) $24,9 \pm 1,29^*$, 3 асосий гуруҳ (Pipelle+УТТ) $6,45 \pm 0,57^{\#}$, 4-гуруҳ





MODERN PROBLEMS IN EDUCATION AND THEIR SCIENTIFIC SOLUTIONS

(Pipelle) $9,15 \pm 0,64^{\wedge}$ (Изоҳ: 1-гурӯҳ натижаларига нисбатан ишонарли фарқлар (*- $P < 0,05$; $\wedge$ - $P < 0,01$; #- $P < 0,001$)

Хулоса: Бачадон эндометрийсидан олинган намуналар CD34 мембрана оксили орқали иммуногистохимёвий текширилганда кюретка ёрдамида олинган биоматериаллар эндометрий қаватини қириб олиш вақтида қон томирлар шикастланиши ва натижада турли асоратлар, жинсий йўлларда профуз қон кетиши, инфицирланиш ва ҳатто бачадон тешилиши каби асоратларга сабаб бўлиб, Pipelle урогенитал зонди ёрдамида олинган биоматериалларда эса CD34 мембрана оксили орқали иммуногистохимёвий текширилганда қон томирлар қавати шикастланиши олдини олиш натижасида Pipelle қурилмаси эса юмшоқ, эластик ва тўмтоқ учли хавфсиз бўлганлиги сабаб бундай ҳолатларда Pipelle урогенитал зонди ёрдамида биоматериал олиш тавсия қилинади, шунингдек, биопсия олинганда вужудга келиши мумкин бўлган асоратлар олди олиниб беморларнинг ҳаёт сифати даражасини яхшилайдди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Atakhanova N.E., Abdinazarova I.S., Tursunova N.I. Modern Methods of Early Detection of Endometrial Cancer on the Example of "Pipelle" Urogenital Probe // International Journal of Pharmaceutical and Bio Medical Science. - 2021. – V.1(5). – P.38–42. <https://doi.org/10.47191/ijpbms/v1-i5-01>
2. Nielsen JS, McNagny KM (November 2008). "Novel functions of the CD34 family". *Journal of Cell Science*. **121** (Pt 22): 3683–3692. doi:[10.1242/jcs.037507](https://doi.org/10.1242/jcs.037507). PMID [18987355](https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/18987355/). S2CID [18154561](https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/18154561/)
3. Sidney LE, Branch MJ, Dunphy SE, Dua HS, Hopkinson A (June 2014). "[Concise review: evidence for CD34 as a common marker for diverse progenitors](#)". *Stem Cells*. **32** (6): 1380–1389. doi:[10.1002/stem.1661](https://doi.org/10.1002/stem.1661). PMC [4260088](https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/4260088/). PMID [24497003](https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/24497003/).

